



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛГАН ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ ЖИХАТЛАРИ

Таштемиров Анвар Алиқулович

*Муаллиф: ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси,
подполковник*

Аннотация. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларнинг глобал муаммо сифатида ижтимоий жараёндаги хавфи келтириб ўтилган. Шу билан бирга Республикамизда ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари таҳлил этилиб, қарши курашиш самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик, кибержиноят, киберфирибгарлик, ижтимоий тармоқ, ахборот макони, банк пластик картаси, электрон манзил, аккаунт, талон-торож қилиш.

Аннотация. Раскрывается преступления мошенничество, совершаемые с помощью информационных технологий в качестве глобальной проблемы общественного процессе. При этом, проанализированы правовые и организационные аспекты борьбы с подобными видом преступлений в Республике, а также выработаны соответствующие предложения и рекомендации по повышению эффективности борьбы с ними.

Ключевые слова. Мошенничество, совершенное с использованием информационных технологий, киберпреступление, кибермошенничество, социальная сеть, информационное пространство, банковская пластиковая карта, электронный адрес, аккаунт, присвоения.

Abstract. The crime of fraud committed by means of information technologies as a global issue of public process is described. Herewith, legal and organizational aspects of the counteraction to such kind of crimes in the Republic are researched, and also appropriate propositions and recommendations for increasing of efficiency of the counteraction to them are formulated.

Keywords. Fraud committed with the use of information technology, cybercrime, cyberfraud, social network, information space, bank plastic card, electronic address, account, embezzlement.

Республикамизда соғлом интернет-муҳитига эга ахборотлашган жамиятни ривожлантириш, миллий сайтлар сонини ошириш орқали инсонларнинг виртуал олам имкониятларидан янада кенг ва қулай тартибда фойдаланишлари учун шароитлар яратиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ўзгаришлар ҳаёт сифатини яхшилаш билан бир қаторда, жиноятчиликнинг янги шакли сифатида интернет тармоқлари орқали содир





этилаётган жиноят турларининг юзага келишига замин яратди ҳамда ҳаётимизга “кибержиноятчилик” тушунчасини олиб кирди. Бу эса ўз навбатида, инсонларни интернет ҳамлаларидан ҳимоялаш, ахборот олиш ва тарқатиш маданиятини тарғиб қилиш, тармоқ хавфсизлигини таъминлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш заруратини юзага келтирмоқда.

Интернет билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро Symantec Security ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар сонияда дунёдаги 12 нафар инсондан биттаси интернет ҳужуми қурбони бўлмоқда ва ҳар йили 556 млн. дан кўпроқ киберҳужум уюштирилади ва бунда жабрланувчилар кўрадиган зарар миқдори 100 млрд. АҚШ долларидан кўпроқдир[1].

Жаҳонда «Глобал ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш асри»да инсоният ҳаётида оламшумул ихтиролар билан бир қаторда, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг тезкор тактик ва криминалистик жиҳатларини батафсил ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш орқали, уларнинг содир этилиш усули ва воситаларига эътибор қаратган ҳолда тегишли куч ва воситалардан самарали фойдаланиш бўйича аниқ чора тадбирларни белгилаб олиш ва шу орқали содир этилган жиноятларни қисқа фурсатларда фош этиш юзасидан зарур таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда 2022 йилнинг 6 ойида ахборот технологиялари ёрдамида 1608 та жиноятлар содир этилган бўлиб, мазкур ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг банк пластик карталари ва бошқа ҳисоб рақамларидан пул талон-торож қилинганлиги ҳолати юзасидан ЖКнинг 168-моддаси билан жами 684 та жиноят иши қўзғатилиб, уларни ўз вақтида фош этиш бўйича тегишли чора тадбирлар олиб борилган бўлса, худди шундай ҳолатда ЖКнинг 169-моддасига кўра, жами 1048 та жиноят иши қўзғатилган ва бу бўйича тегишли тартибда суриштирув ишлари амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида таъкидлаганидек, “кўп жиҳатдан аллақачон замонавий ҳаётни белгилаётган хавфсиз ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратишни истар эдим.

Фақат кучларни бирлаштириш орқали, бир пайтнинг ўзида, ахборот маконидаги таҳдидларни камайтира борган тақдирдагина биз рақамлаштириш афзалликларидан тўла фойдалана олишимиз мумкин.

Кибержиноятчиликка қарши курашиш учун қўшма платформани яратиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда” [2].

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов 2022 йил 14 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ҳукумат соати» доирасида сўзлаган маърузасида, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида интернет





фойдаланувчилари сони 31 миллиондан ошганлиги, интернет фойдаланувчиларининг катта қисми — 29,5 миллиондан ортиғи тармоққа мобил телефонлар орқали киришини маълум қилди [3].

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Киберхавфсизлик Маркази ходимлари иштирокида АОКАда ўтказилган матбуот анжуманида, бугунги кунда Ўзбекистонда кибержиноятчиликнинг ўсиш тенденцияси кузатилаётганлиги, сўнгги 3 йилда кибержиноятлар сони бир неча бараварга ошиб кетган ҳақида маълумотлар берилди. Матбуот анжуманида қайд этилишича, кибержиноятчиликнинг қуйидаги турлари кўп содир этилаётганлиги маълум қилинган, булар:

- фирибгарлар пластик карта фойдаланувчиларига келган СМС-хабарномадаги кодларни тўловни амалга ошириш, ютуқни бериш каби баҳоналар орқали эгаллаб, ундаги маблағларни ўзлаштириши;
- шахсий маълумотларни эгаллаш ва уларни ошкор қилиш билан кўрқитиб товламачилик қилиши (кибертовламачилик);
- ижтимоий тармоқда зўрлик ишлатиш билан кўрқитиши, ҳақорат, суицид ҳолатлари (кибербуллинг) ва бошқалар[4].

Мамлакатимизда киберфирибгарликнинг минумум даражага етиши ҳозирги шиддат билан олиб борилаётган рақамли иқтисодиётга оид ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириб, бу борада халқимизнинг ахборот технологияларига нисбатан ишончи ҳамда онгининг ортиб боришига хизмат қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликларини ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилишдир.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик масаласи қонунчиликка киритилмаган даврда ушбу соҳада жуда кўплаб муаммолар кузатилган. Жумладан, Олий суд Пленумининг тегишли қарорларида ҳам масаланинг ечимига қаратилган тушунтиришлар мавжуд бўлмаган. Шу сабабли бу борада муаммолар ўз ечимини топиши учун, мазкур турдаги жиноятнинг жиноят қонунчилигига киритилиши, ушбу соҳада ҳам Олий суд Пленумининг қарори қабул қилиниши заруратини юзага келтирди. Айниқса, Пленум қарорларида бундай жиноятларнинг бошқа фирибгарлик жиноятларидан фарқли хусусиятлари, ушбу жиноятларнинг турлари, содир этилиш шакли ва усуллари, уларни аниқлаш ҳамда процессуал малакаланинг ўзига хос жиҳатлари, шу билан бирга мазкур жиноятлар учун жазо ва жавобгарликнинг муқаррарлик чоралари қай тарзда ҳал қилиниши, ушбу жиноятларнинг предмети ва объектини аниқ белгалаб қўйиш таклифи илгари суриб келинган.





Асосий жиҳатлардан яна бири, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар учун ҳуқуқий баҳо бериш жараёнида айрим муаммолар юзага келаётган эди, жумладан содир этилган жиноят қуроли (предмети, воситаси)ни белгилаш, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш жойи бўйича аниқлик киритиш, содир этилишга имкон берувчи шарт-шароитлар юзасидан вазиятни баҳолаш ва бошқа шу кабилар. Мазкур ҳолатларда тўғри қарор қабул қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 19 октябрь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-794-сон қонуни асосида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-модда 2-қисми “компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса” деб номланган “в” банди, 168-модда 3-қисм “г” банд сифатида, “ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса” деган номга ўзгартирилди[5].

Мазкур қонун асосида киритилган ўзгартириш, келгусида ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларини фош этишда, ҳуқуқий баҳо беришда, жиноятни квалификация қилишда, жавобгарлик белгилашда ва айбни исботлаш жараёнида катта аҳамиятга эга бўлди.

Киритилган ушбу ўзгартириш ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларини фош этиш юзасидан ўтказиладиган тезкор суриштирув ишларини амалга оширишда ҳам эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларни белгилаб беради.

Бунга мисол тариқасида, ариза билан мурожаат қилган шахсдан олинадиган дастлабки маълумотларга аниқлик киритиш талаб этиладиган қуйидаги ҳолатларни қайд этиш мумкин, булар:

- мазкур ходиса қандай амалга оширилганлиги, кибержиноятчи жабрланувчи билан қандай қилиб алоқага чиққанлиги (ижтимоий тармоқлар Telegram, Instagram, Whats App ва ҳ.к.), электрон почта (хат юбориш орқали), телефон рақами орқали;

- унинг akkaунтининг номи ва рақами (ID), телефон рақами, электрон почта манзили, шунингдек, фишинг хатини юборган жиноятчининг akkaунтининг номи, юборган вақтидаги маълумотлари (кейинчалик маълумотлар ўзгартирилиши мумкин);

- бундан ташқари, фишинг хатида юборилган ҳавола орқали ўтган сайтнинг ташқи кўриниши, ушбу хатни юборган фойдаланувчининг электрон манзили ёки akkaунти, ушбу сайтда уни қандай маълумотларни киритишга ундашганини, айнан қайси ҳаволани босгани, ҳаволанинг номи, ушбу сайтда киритилган онлайн тўлов тизимига бириктирилган пластик карта маълумотлари ёки электрон почта манзили;





- почта жўнатмаси қандай мақсадда юборилганлиги, яъни фирибгарликнинг мақсади (товарларни сотиб олиш, алмаштириш, хизматларни сотиб олиш, лотереяда ютиш ва ҳ.к.), шунингдек хат юборган шахс билан алоқалари (олдиндан таниш бўлган, бўлмаганлиги), ўзини ким деб таништирганлиги, келишув мавзуси, хат ёки хабарлар қандай ҳаракатларни бажариш учун юборилганлиги (ҳавола бўйича ўтиш ёки пластик карта, akkaунт маълумотларини киритиш) ни талаб қилганлиги, келишув пулининг миқдори;

- маблағларни ўтказиш йўли орқали бўлса, кимнинг номига ўтказилганлиги, ушбу шахснинг манзили, агар воситачи орқали бўлса, пул қайси вақтда ва қайси жойга ўтказилганлиги, пул ўтказилган шахснинг батафсил тавсифи (жабрланувчи уни таний олиши мумкинлиги ва фоторобот туза олиши сўралади);

- воситачи машинада бўлганлиги (транспорт воситасининг кўриниши, алоҳида белгилари, автоуловнинг давлат рақами), агар маълум бир мобиль телефон рақами ёки банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан бўлса, маблағлар қаерга, қачон ва қандай ўтказилганлиги, суриштирув иши учун муҳим бўлган бошқа ҳолатлар сўраб олинад ва тушунтириш хатида батафсил кўрсатилади.

Тушунтириш хати олиб бўлингандан сўнг ариза берувчидан мазкур ходиса қандай амалга оширилганлиги, кибержиноятчи жабрланувчи билан қандай қилиб алоқага чиққанлиги юзасидан агарда қўл телефонида скреншотлар бўлган тақдирда скреншотларни ҳамда банк операциялари, транзакциялари тўғрисида маълумотлари юзасидан ҳужжатлар белгиланган тартибда олинад.

Ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишда тезкор суриштирув ишларини самарали ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу турдаги жиноятлар ўзига хослиги билан бошқа жиноятлардан кескин ажралиб туради. Шунинг учун бу ерда жиноятчининг шахсига аниқлик киритиш жиноятнинг содир этилишда асосий ўринга эга. Бунинг учун эса тезкор қидирув тадбирларини ўз вақтида ва самарали қўллаш талаб этилади.

Бу борада, Г.А.Мирсалихова ўз фикрини қуйидагича баён этади, яъни, “тезкор тадбирлар жараёнида ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнини тезкор кузатиб бориш имконини бериш, шунингдек, тезкор қидирув фаолияти бошқарувида ортиқча бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга сабаб бўладиган омилларга барҳам бериш” кераклиги, ва шу орқали содир этилган жиноятларни очиш самарадорлигига эришиш мумкинлигини таъкидлайди[6].

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар:





- банк пластик карталари ва интернет хизматлари орқали содир этилган ҳар бир пул ўғирлаш ва фирибгарлик ҳолатлари бўйича олиб борилаётган дастлабки суриштириув ҳаракатлари юзасидан тез фурсатда қонуний қарор қабул қилинишини таъминлаш мақсадида, Ички ишлар вазирлиги билан Марказий Банк, процессинг марказлари (uzcard, humo), интернет тўлов тизими иловалари (рауме, раунет, клик, арелсин, ва ҳ.к) марказлари билан самарали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш;

- банк пластик карталаридан фирибгарлик орқали пул маблағларини талон-тарож қилинишининг олдини олиш мақсадида мижозлар томонидан ўзларига тегишли бўлган банк пластик карталарини турли иловаларга улаш ва фаоллаштиришда "Face-ID" тизимидан фойдаланишни (карта эгасининг юзи таниб олинганидан сўнг унга қарашли пластик картани иловага улаш ва ундан фойдаланишга рухсат бериш механизмларини Республика ҳудудида фаолият юритувчи "HUMO" ва "UzCard" тўлов тизимларида) жорий этиш;

- фуқароларда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг жабрланувчисига айланиб қолмаслик юзасидан профилактик-огоҳлантирув тадбирларини олиб боришда блогер ва ижтимоий тармоқларда кенг аудиториясига эга бўлган шахсларни кўпроқ жалб қилиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаб бераётган олий ва ўрта-маҳсус таълим ўқув юртлари талабалари ва уларнинг битирувчилари орасида мазкур турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олиш мақсадида уларни ҳуқуқий онгини шакллантириш ҳамда уларнинг онгида интернет тармоқлари орқали жиноят содир этилиши қонунчилик билан тақиқланганлиги ва тегишли жавобгарликни келтириб чиқариши юзасидан илмий асосланган ягона мафкуравий йўналиш ишлаб чиқиш;

- ахборот технологиялари орқали содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан келиб тушган ҳар бир мурожаатларни текширув натижаси бўйича унинг қонунийлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимида Республика миқёсида ушбу турдаги жиноятларни содир этиб келаётган ҳамда жиноятларни содир этишга мойил шахсларни рўйхатининг ягона базасини шакллантириш, ушбу шахслар тўғрисида маълумотларнинг вилоятлараро алмашинуви бўйича тезкор ишлар олиб борилишини йўлга қўйиш;

- аҳоли орасида хусусан, меҳнат, вояга етмаганлар ва жамоалар ўртасида интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тушунтиришлар, хусусан, маърузалар ўқиш, давра суҳбатлари уюштириш, тарғибот буклетлари тайёрлаш тарқатиш, ушбу тарғибот тадбирларида фуқароларда интернет тармоқлари орқали содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари, келиб чиқиш сабаблари ва бу борада шахсларнинг хушёрлигини ошириш борасида тушунтириш ишлари олиб бориш;





- Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ваколатига эга давлат органлари, жумладан, Ички ишлар органлари ходимларининг кибержиноятчиликка қарши кураш ва ахборот технологияларидан фойдаланиб фойдаланиб содир этилган фирибгарликлар бўйича билим ва кўникмаларини мунтазам равишда шакллантириш юзасидан ўқув машғулоти ташкил этиш.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ахборот технологияларидан фойдаланиб фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларини аниқлаш, олдини олиш, қарши курашиш ва уни бартараф этиш бўйича зарур қарорлар қабул қилиш, кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, давлат органлари ва халқ манфаатларига таҳдид солувчи киберхатарларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш, кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш каби муҳим вазифаларни бажариш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини унутмаслик лозим. Зеро, давлатдаги ҳар бир фуқаронинг хавфсизлиги давлат учун муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Анорбоев, Р.Хурсанов. Кибержиноятлар хавфини бартараф этиш йўллари. Илмий мақола. ОДИЛ СУДЛОВ. Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр. 5/2020. 25-27 бетлар. https://sud.uz/wp-content/uploads/2021/odilsudlov/5_uz.pdf.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. // <https://president.uz/uz/lists/view/5542> (16.09.2022 й.)
3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов 2022 йил 14 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ҳукумат соати» доирасида сўзлаган маърузаси. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/15/internet-users/>
4. ИИБ Киберхавфсизлик Маркази ходимлари иштирокида АОКАда ўтказилган матбуот анжумани маълумотлари. <https://kun.uz/news/2022/06/17/ozbekistonda-songgi-3-yilda-kiberjinoyatlar-soni-bir-necha-baravarga-oshgan>.
5. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-794-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/6242547> (Мурожаат вақти 2022 йил 29 ноябрь)





6. Г.А. Мирсалихова. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Илмий мақола. **Eurasian journal of law, finance and applied sciences** <https://doi.org/10.5281/zenodo.7262974>

